

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси
Шайхонтохур тумани “Давлат
хизматлари агентлиги” маркази
томонидан “11 02”
2019 йилдаги 001635-09 реестр
рақами билан

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Уй-жой
коммунал хизмат кўрсатиш бош
бошқармасининг 2018 йил 28
декабрдаги 2018-сонли буйруғи
билин



ТАСДИКЛАНГАН

РЎЙХАТГА ОЛИНГАН

“TOSHISSIQQUVVATI”

DAVLAT UNITAR KORXONASIНИНГ

УСТАВИ

ЯНГИ ТАХРИРДА

Тошкент – 2019 йил

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. "Toshkent issiqlik quvvati" davlat unitar korxonasi (кейинги ўринларда "Корхона" деб юритилади) тижорат ташкилоти ҳисобланиб,. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2900 сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 августдаги ПФ- 5515-сонли Фармони, Тошкент шаҳар хокимининг 2018 йил 24 августдаги 1247-сонли Қарори, Тошкент шаҳар хокимининг 2018 йил 4 октябрдаги 1427-сонли Қарори, Тошкент шаҳар хокимининг 2018 йил 21 декабрдаги 1842-сонли Қарори, Тошкент шаҳар Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармасининг 2018 йил 27 декабрдаги Б-282 сонли буйруғи, 2018 йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли Қарори билан тасдиқланган "Давлат корхоналари тўғрисидаги Низом" асосида ташкил этилган.

Мазкур Устав, "Корхона" тасарруфида бўлган (иссиқлик манбалари, иссиқлик пунктлари, насос станциялари ва бинонинг цокол кисмигача бўлган иссиқлик тармоқлари) иссиқлик таъминоти тизимларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш, фойдаланиш бўйича фаолиятини биринчи навбатда амалга оширувчи ҳукукий статусини белгиловчи бошка қонуний ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилди.

"Toshkent issiqlik quvvati" davlat unitar korxonasi Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш Вазирлигига ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармасига бўйсунади.

1.2. Корхона иссиқлик қувватини ишлаб чиқаради ва Тошкент шаҳар истеъмолчиларига иссиқлик таъминотини амалга оширади.

1.3. Корхона – давлат унитар корхонаси ташкилий-ҳукукий шаклда таъсис этилган, таъсисчи – Тошкент шаҳар ҳокимлиги уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси.

Корхонанинг тўлиқ номи:

- давлат тилида: "TOSHKENT ISSIQLIK QUVVATI" Davlat Unitar Korxonasi
- рус тилида: Государственное Унитарное Предприятие "TOSHKENT ISSIQLIK QUVVATI"
- рус тилида: Государственное Унитарное Предприятие "TASHKENT TEPLO ENERGO"
- инглиз тилида: SANE UNITARY ENTERPRISE "TASHTEPLOENERGO"

Кисқартирилган номи:

- давлат тилида: "TOSHISSIQQUVVATI" DUK
- рус тилида: ГУП "TOSHISSIQQUVVATI"
- рус тилида: ГУП "TASHTEPLOENERGO"
- инглиз тилида: SUE "TASHTEPLOENERGO"

1.4. Корхона фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарор, фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари буйруқлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш Вазирлиги қарор ва буйруқлари, Тошкент шаҳар хокими қарорлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси буйруқлари, шунингдек бошка ҳукукий-меъёрий ҳужжатлар ва мазкур Уставга мувофик амалга оширилади.

1.5. Корхона, давлат рўйхатидан ўтган вақтдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича юридик шахс ҳисобланади ва давлат мулкчилик шаклига асосланган, мустақил балансга эга, унга тезкорлик билан бошқариш учун берилган давлат хусусий мулк базасида бўлган молиявий-хўжалик фаолиятини мустақил олиб боради.

1.6. Корхона, ўз фаолиятини амалга ошириш учун банклар ва бошқа молиявий муассасаларда ҳисоб рақамларини, жумладан валюта рақамларини очишга, турли келишувларни жумладан савдо, ташқи савдо, кредит, қимматли қофозлар, воситачиликни амалга оширишга, шунингдек ўзининг низомдаги масалаларини бажариш муносабати билан хўжалик ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган усуслар билан хусусийликка мулк, кўчмас мулк сотиб олишга, ҳамда бошқа фаолиятни амалга оширишга, судда дъявогар ва жавобгар бўлишга ҳақли.

1.7. Корхона, Таъсисчининг розилиги асосида уюшмаларга, бирлашмаларга мулкчиликнинг барча шакларининг исталган корхона ва ташкилотлари билан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган халқаро ва чет эл ташкилотлари филиаллари билан аъзо бўлиши мумкин, шунингдек мулкчиликнинг барча шаклидаги корхона ва ташкилотлар ва жисмоний шахслар билан фуқаровий-хуқуқий муносабатга киришиш хуқуқига эга, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий хуқуқга эга бўлиши ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.8. Корхона, амалдаги қонунчилик талабларини ҳисобга олган холда, ўз фаолиятининг кадрлар ва моддий таъминот масалаларини мустақил равишда ҳал қиласди, меҳнат ҳаки, ходимлар маоши, устами ҳақ ва қўшимча тўловлар, ойлик ва бир марталик мукофотлар ва ходимларга бошқа тўловлар шакларини, ҳамда иш вақтининг ва иш куни давомийлигини, ҳақ тўланадиган таътилларнинг давомийлиги ва тақдим этиш тартибини ташкиллаштиришни белгилайди.

1.9. Корхона, ўрнатилган тартибда тасдиқланган бланкаларга, эмблемага, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган, ўз номи давлат тилида ёзилган думалок муҳрга, шунингдек тузилмавий ва қўшимча муҳр ва штампларга эга.

1.10. “TOSHISSIQQUVVATI” DUK фаолиятининг муддати чегараланмаган.

1.11. Юридик манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Фурқат-1 кўчаси.

1.12. Почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, инд. 100027, Шайхонтохур тумани, Фурқат-1 кўчаси.

II. КОРХОНА ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДЛАРИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2.1. Корхонанинг предмети кўйдаги ҳисобланади;

* иссиқлик қуввати ишлаб чиқариш ва Тошкент шаҳар иссиқлик манбаларига уланган Тошкент шаҳрининг барча истеъмолчиларига иссиқлик таъминотини етказиб бериш.

2.2. Корхона фаолиятининг мақсади кўйдагилар ҳисобланади:

* “Тошисиқликтаркази” ДУК, “ТошиЭМ” ОАЖ, “TOSHISSIQQUVVATI” DUK иссиқлик манбалари ва иссиқлик тармоқлари бўйича иссиқлик транспортировкасини амалга оширувчи бошқа иссиқлик манбаларига уланган Тошкент шаҳрининг барча истеъмолчиларини сифатли, узлуксиз ва ишончли иссиқлик таъминоти ва иссиқ сув таъминоти билан таъминлаш;

* ишларни хавфсиз ишлаб чиқаришни таъминлаш, шунингдек фаолиятнинг бошқа турларида Корхона тасарруфида бўлган насос станциялари, иссиқлик манбалари, иссиқлик тармоқлари ускуналарга фойдаланиш ва таъмир кўрсатишни ташкиллаштириш;

* ахолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ҳамкорлик шакларини такомиллаштириш ва чукурлаштириш, ривожлантириш имкониятларини қидириш ҳисобланади.

2.3. Корхона ўзининг мақсад ва вазифаларига эришиш учун қуйидаги фаолият турларини амалга оширади ва тадбиқ этади:

- * иссиқлик таъминоти тизимиға энергия ва ресурсларни тежайдиган янги технологиялар ва ускуналарни, шу жумладан, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда жорий этади;
- * энергия самарадорлиги юқори бўлган маҳаллий қозонхоналар қуриш;
- * жисмоний ва маънавий эскирган тежамкор бўлмаган қозонхона агрегатларини алмаштирган ҳолда ишдан чиқсан магистрал ва тақсимлаш иссиқлик тармоқларини модернизация ва реконструкция килиш ишларини амалга ошириш;
- * энергия ресурслари истеъмол қилиниши ва ишлаб чиқарилишининг меъёр бўйича ҳисобга олинишини ташкил этиш, истеъмолчиларнинг иссиқлик таъминоти хизмати ҳақини ҳисоблаш ва тўлашнинг автоматлаштирилган ҳисоб-китоб тизимини жорий этиш;
- * ноишлаб чиқариш харажатлари ўсишига йўл қўймаслик ва иссиқлик энергиясини етказиб бериш, тақсимлаш ва истеъмол қилишда меъёридан ортиқча нобудгарчиликларни камайтириш ҳисобига сарф-харажатларни қисқартиришга йўналтирилган иссиқлик таъминоти тизимида ягона техник сиёsatни амалга ошириш;
- * Корхона тасарруфида бўлган иссиқлик манбаларида (қозонхоналарда) иссиқлик қувватини ишлаб чиқариш;
- * “TOSHISSIQQUVVATI” DUK, “ТошибЭМ” ОАЖ, “Тошибиссиқликмаркази” ДУК ва бошқа идоралар ва ташкилотлар иссиқлик манбаларида ишлаб чиқилган иссиқлик қувватини сотиб олиш ва қайта сотиш;
- * Корхона тасарруфида бўлган иссиқлик тармоқлари бўйича иссиқлик манбаларда ишлаб чиқилган иссиқлик қувватини транспортировка қилиш;
- * Корхона тасарруфида бўлган бино ва иншоотлар, иссиқлик манбалари, насос станциялари, марказий иссиқлик пунктлари, бино цоколигача бўлган иссиқлик тармоқлари, маъмурий ва хўжалик учун мўлжалланган бино ва иншоотлар ва хоказолар иссиқлик таъминоти тизимларини жорий ва мукаммал таъмирлаш, фойдаланиш;
- * иссиқлик қувватини етказиб беришга шартномадан алоҳида, аҳоли ва манфаатдор ташкилотлар билан маҳсус тузилган шартномалар бўйича бино ва иншоотларни вентиляция ва кондиционерлаштириш, иссиқ сув таъминоти, иситиш тизимларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш;
- * курилаётган обьектларни, уларнинг баланс мансублигидан қатъи назар, иссиқлик тармоқларига уланишга техник шартларни ишлаб чиқиш ва бериш;
- * Тошкент шаҳар иссиқлик манбаларига уланган Тошкент шахрининг иссиқлик таъминоти тизими бўйича иссиқлик қуввати баланси назоратини амалга ошириш;
- * бошқа корхона ва ташкилотлар балансида бўлган иссиқлик манбалари ва иссиқлик тармоқларидан Тошкент шаҳри биноларининг лойиҳалаштириш ва қурилиши учун берилган техник шартлар бўйича хулосалар бериш;
- * Истиқболли “Тошкент шаҳар иссиқлик таъминоти схемаси”га мувофиқ, иссиқлик таъминоти тизимларини жумладан иссиқлик манбаларини кенгайтириш муддатлари бўйича ривожлантиришни мувофиқлаштириш;
- * Тошкент шаҳар марказлашган иссиқлик таъминотининг истиқболли режаларини ишлаб чиқишида иштирок этиш;
- * истиқболли давр учун “Тошкент шахрининг иссиқлик таъминоти схемалари” бўйича хулосаларни тайёрлаш ва кўриб чиқиш;
- * корхона ходимларини ўқув марказида тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;
- * майиший-коммунал ва бошқа истеъмолчилар томонидан иссиқлик қувватидан тежамли ва рационал фойдаланиш учун назорат;
- * истеъмолчиларга берилган иссиқлик таъминоти режимига риоя этилишини назорат қилиш;
- * Корхонанинг ишлаб чиқариш бирликлари билан ёқилғи энергетик ресурслардан тежамли ва рационал фойдаланиш бўйича чораларни амалга ошириш;

* Корхона тасарруфида бўлган иссиқлик таъминоти обьектларида ва бу ташкилотлар билан тузилган шартномалар бўйича бошқа ташкилотлар обьектларида ишга тушириш-созлаш ишларини амалга ошириш;

* Корхона мулки бўлган ёки бепул фойдаланиш, шунингдек ижара хукуқларида автотранспорт билан транспорт ташиш;

* ташқи иқтисодий фаолият;

* улгуржи савдо;

* тузилган шартномалар асосида мулкчиликнинг барча шаклларида корхона ва ташкилотлар томонидан аҳолига кўрсатилувчи хизматлар;

* Устав масалаларини бажариш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг тегишли вазирлик ва идоралари ва уларнинг тузилмавий бўлинмалари, шунингдек тижорат секторлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликдаги иш.

* тузилган шартномалар бўйича ўз фаолиятини амалга оширишда ҳамкор ташкилотлар билан жалб қилиш ва фаол ҳамкорлик;

Корхона, мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун қонун устуворлиги, мустақиллик ва бошқа демократик тамойиллар асосида ўз фаолиятини амалга оширади.

2.4. Корхона, амалга ошириш учун фаолият турларига махсус руҳсатнома (лицензия ёки гувоҳнома) керак бўладиган бўлса, ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик тартибида амалга ошириш хукуқига эга.

III. КОРХОНАНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Корхона қўйидаги хукуқларга эга:

* ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатишга;

* учрашувлар, семинарлар, конференциялар ўтказиши;

* давлат ва хўжалик бошқарувлари, хукукни муҳофаза килувчи, суд, солиқ органларида ва бошқа давлат, хўжалик ва жамоат ташкилотларда, корхона ва муассасаларда ўз хукуқ ва манфаатларини ҳимоялаш;

* ўз номидан битимлар, контрактлар, мазкур Уставда назарда тутилган хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган, кўчмас мулк ижара шартномаси, транспорт воситалари, механизмлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган коммунал хизматлардан фойдаланишининг исталган хўжалик шартномаларини тузиш.

* ўзининг уставдаги фаолияти доирасида, Ўзбекистон Республикаси ваколатли давлат органлари билан биргаликда ҳаракат қилиш;

* Ўзбекистон банкларида ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб, жумладан валюта рақамларини очиш, шунингдек ундаги пул маблагларидан фойдаланиш;

* улгуржи савдода шу жумладан ярмаркаларда, аукционларда, моддий техник таъминот ташкилотларида товар хом-ашё биржада, бевосита ишлаб чиқарувчилар ресурсларига эга бўлиш йўли билан материалларни техник ишлаб чиқариш зарурияти билан таъминлаш;

* ўзининг уставда кўрсатилган фаолиятини амалга ошириш учун, қонунчилик билан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида жойлашган банклардан, молиявий ташкилотлардан узок муддатли, муддатли, қисқа муддатли кредитларни олиш, шунингдек кредитлардан миллий ва чет эл валютасида фойдаланишини Таъсисчи билан келишилган холда амалга ошириш;

* Таъсисчи билан келишилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида каби унинг ташқарисида тижорат ташкилотлари иштирокчиси (аъзоси) бўлиши мумкин, филиаллар ва ваколатхоналар, бўлим ва бошқа алоҳида бўлинмалари ташкил этиши мумкин, уларнинг низом ва коидаларини тасдиқлаш, ҳамкор корхоналарнинг, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларнинг чет эл юридик ва жисмоний шахслари иштирокида иштирок этиши мумкин.

* юридик ва жисмоний шахсларга, шунингдек аҳоли иссиқлик таъминоти ва иссиқ сув таъминоти соҳасидаги давлат муассасаларига ахборот таъминоти ва консультатив ёрдам, шунингдек аҳоли иссиқлик таъминоти ва иссиқ сув таъминоти турли масалалари бўйича бошқа ёрдам ва кўмак кўрсатиш;

* иқтисодиёт судларида ва умумий юрисдикция судларида даъвогар ва жавобгар бўлиши, Корхона манфаатларида, шунингдек давлат ва хўжалик органларининг қарорлари ёки ҳаракатларидан шикоят бўйича судларга даъволар бериш;

* Корхона ишчиларига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик меъёрлари билан таққослаган ҳолда уларнинг ҳуқуқларини чекламаган ҳолда қўшимча ижтимоий ва меҳнат кафолатлари, ҳуқуқ, имтиёз ва компенсациялар тақдим этиш;

* қонунчиликда ўрнатилган тартибда, ўзининг фаолиятини амалга ошириш усулларини аниқлаш, ташкилий тузилма, штат жадвали, ходимларнинг сони ва уларнинг функционал мажбуриятларини, меҳнат хақи ва меҳнатга ҳақ тўлаш шаклларини белгилаш;

* Уставда белгиланган ўзининг фаолият мақсадига мувофиқ, унга тегишли молиявий маблағларни, шу жумладан чет эл валютасида, хатлов, шунингдек мол-мулк ва кўчмас мулк, ер участкалари, транспорт воситалари технологик жиҳозларни юридик ва жисмоний шахсларга ғаразли ва бегараз шартларда амалдаги қонунчилик ва мазкур Уставда белгиланган тартибда фойдаланишга бериш ва мусодара қилиш;

* ўзининг ходимларини малакасини оширишга ва ўқишга тажриба алмашишга ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида каби унинг ташқарисига хизмат сафарларига юбориш;

* тажриба алмашиш учун келишилган шартларда Корхонанинг Уставида кўрсатилган маълум тармоқларида чет эл мутахассисларини таклиф этиш;

* тадбиркорлик фаолиятини унинг низомдаги мақсадларига мувофиқлиги доирасида амалга ошириш;

* технологиялар ва хусусий прогрессив усуллар амалиётини жорий этиш ва ишлаб чиқишига йўналтирилган илмий изланишлари ўтказиш;

* барча маҳсулот ва хусусий ихтиrolарга муаллифлик ҳуқуқини олиш ва сақлаш, шунингдек уларни лицензиялаштириш, ижарага бериш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ патентлаш;

* Корхона фаолиятини амалга ошириш ва унинг манфаатларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида каби унинг ташқарисида ҳам контакт ва алоқа ўрнатиш, ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида, етакчи профилли чет эл муассасалари ва марказлари билан ҳалқaro ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, тўпланган тажриба ва мутахассислар билан ахборотларнинг кенг алмашинувини таъминлаш;

* қонунчиликда таъкиқланмаган бошқа фаолият турларини амалга ошириш;

3.2. Корхонада ишловчи ишчи ходимларнинг иш ва дам олиш режимлари, уларнинг ижтимоий таъминоти ва ижтимоий сугуртаси Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тартибга солинади.

3.3. Корхона қўйидагиларга мажбур:

* ўз фаолиятини бажаришга таъсир этувчи барча муҳим ўзгаришлар тўғрисида Таъсисчини ўз вактида огохлантириш;

* Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига риоя қилиш, шунингдек мазкур Уставда назарда тутилган фаолият турини тегишли йўл билан бажариш.

3.4. Корхонага қўйидагилар таъкиқланади:

- Ўзбекистон Республикаси фукароларининг конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш;

- сиёсий партиялар ва рўйхатдан ўтмаган бирлашмаларни молиялаштириш;

- ўзининг низомда кўрсатилган фаолиятини бузиш;

* Корхона, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгардир.

IV. КОРХОНА УСТАВ ФОНДИНИНГ МИҚДОРИ, УНИ ШАКИЛАНТИРИШ ТАРТИБИ ВА МАНБАЛАРИ

4.1. Корхонанинг устав фонди ўзида молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун унга Таъсисчи томонидан берилган мол-мулк ва бошқа активлар жамини ифодалайди.

4.2. Корхона устав фондининг миқдори 3 197 766 010, 90 сўмни ташкил этади.

4.3. Корхонанинг устав фондини кўпайтириш ва камайтириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда, Тасисчининг қарорига асосан амалга оширилади.

V. ЗАХИРА ВА БОШҚА ФОНДЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Юзага келиши мумкин бўлган заарларни қоплаш шошилинч тўловларни амалга ошириш учун Корхона томонидан захира фонди, Таъсисчининг розилиги билан ташкил этилиши мумкин.

5.2. Таъсисчининг қарорига кўра, Корхона томонидан бошқа фондлар хам ташкил этилиши мумкин. Уларнинг вужудга келиш ва фойдаланиш тартиби Таъсисчи томонидан белгиланади.

VI. КОРХОНАНИНГ МУЛКИ ВА МАБЛАГИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ ВА ШАКИЛЛАНТИРИШ МАНБАЛАРИ

6.1. Корхона хўжалик ҳисобидаги ташкилот ҳисобланади ва тезкор бошқариш хукукида унга тегишли бўлган мулк асосий фондлар ва айланма маблағлар корхонанинг мол-мулкини ташкил этади, шунингдек интеллектуал мулк обьектларига эгалик қилади.

6.2. Корхонанинг асосий фондлари ва айланма маблағлари бўлинмасдир ва улушлар (улушлар, пайлар) бўйича тақсимланиши мумкин эмас.

6.3. Таъсисчи корхонага берилган давлат мулкининг ўз вазифасига кўра фойдаланилиши ва сакланиши, шунингдек ўзгага берилиши устидан назорат қилади.

6.4. Корхона мол-мулки ваколатли давлат органлари томонидан тақсимланувчи асосий ва айланма маблағлар, шунингдек фондлардан, бошқа қийматлар ва бошқа мол-мулқдан иборат.

6.5. Корхона мол-мулкининг шаклланиши манбалари бўлиб қўйидагилар ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан таъкиқланмаган ўзларининг маҳсулотлари, ишлари, хизматлари шунингдек тижорат ва бошқа хўжалик фаолияти турларидан олинган фойдалар;

- бюджетдан олинган капитал маблағлар, давлат субсидиялари;

- беғараз ва ҳайрия тушумлари;

- беғараз олинган мол-мулк;

- заём маблағлар;

- кимматли қоғозлардан фойдалар;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан таъкиқланмаган бошқа манбалар.

6.6. Корхона, Таъсисчи билан келишган холда ўз фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш, кенгайтириш мақсадида, юридик шахсларнинг қўшимча пул маблағларини жалб этиш хукуқига эга.

6.5. Корхонанинг ихтиёрида ва фойдалануvida ҳомий ташкилотлар маблағлари ҳисобига олинган мол-мулк, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан йўл қўйилувчи асослар бўйича Корхона томонидан сотиб олинган бошқа мол-мулклар бўлиши мумкин.

6.7. Барча олинган маблағлар ва мол-мулк, Корхона томонидан фақаттинга уставда кўрсатилган масалаларни бажариш, шунингдек Корхонанинг таъминоти, унинг тузилмавий бўлинмалари ва унинг уставида кўрсатилган мақсад ва вазифаларини бажариш мақсадида моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун ишлатилади.

6.8. Корхонани молиявий-хўжалик фаолиятининг иқтисодий асоси, иссиқлик қувватини ишлаб чиқариш, транспортировка қилиш ва сотиш ҳисобланади.

6.9. Корхона, иссиқлик таъминотига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан назарда тутилган холатлардан ташқари Молия Вазирлиги ёки унга ваколатли орган томонидан ўрнатилувчи тарифлар бўйича хизмат кўрсатади.

6.10. Корхона хўжалик фаолиятининг молиявий натижалари асосий умумлаштирувчи кўрсаткичлари бўлиб даромад ҳисобланади.

6.11. Бюджетга соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан сўнг Корхонада қолувчи даромад (фойда), Корхонанинг тўлиқ ихтиёрига тушади, Таъсисчининг қарорига кўра ишлатилади, бошқа холларда эса Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги ва Уставда тутилган назарда.

6.12. Корхона мол-мулкини тасарруф этиш, Таъсисчи билан келишган холда амалга оширилади :

- асосий воситаларни сотиш, уларни ижарага ёки гаровга топшириш;
- мулкни хўжалик жамияти устав фондига улуш сифатида қўшиш;
- хўжалик жамиятларининг акциялари (улушлари)ни сотиб олиш;
- мулкни давлат корхонаси фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган бошқача тарзда тасарруф этиш.

6.13. Корхона, бошқа муассаса, ташкилот ва корхоналарга Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгаланган битим тузиши вақтида энг кам иш ҳақининг минг миқдоридан ортиқ қийматли унга тегишли бўлган мол-мулкни вақтинча фойдаланишга ёки қарзга беғараз беришга, алмаштиришга ва ижарага бериш шунингдек уни тасарруфдан чиқариш хукуқига эга.

6.14. Корхонанинг солик йиғими, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

6.15. Корхонага ғаразли ҳаракатлар ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракатсизлиги таъсирида етказилган заарлар, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига белгиланган тартибда айбдор шахслардан ундирилади.

6.16. Корхона, ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк билан жавоб беради. Таъсисчи корхона мулки етарли бўлмаганда давлат корхонаси мажбуриятлари бўйича субсидиар тартибда жавоб беради.

6.17. Корхона Таъсисчининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

6.18. Валюта тушуми Корхонанинг валюта баланси ҳисобига ўтказилади ва ундан Таъсисчини розилиги асосида фойдаланилади. Республика ва маҳаллий бюджетларга ажратилган валюталар, Корхона томонидан амалга оширилган ўзининг валюта маблағларидан тўғридан тўғри валюта сарфларини ҳисоблангандан сўнг корхонанинг валюта тушумидан амалга оширилади.

6.19. Корхона Таъсисчини ривожлантириш фондига қонунда белгиланган тартибда ажратмаларни амалга ошириш мумкин.

6.20. Молиявий хўжалик фаолиятига, давлат органларининг санкцияланмаган аралашувида, Корхона ўрнатилган тартибда айбдор органлардан етказилган заарни, шунингдек олинмаган фойдаларни ундиришни талаб этишга ҳақли.

VII. КОРХОНАНИНГ БОШҚАРУВ ВА ИЖРО ОРГАНЛАРИ

7.1. Корхонанинг юкори турувчи бошқарув органи Таъсисчи ҳисобланади.

7.2. Корхона бошқарув органининг якка ижрочиси директор ҳисобланади.

7.3. Корхона директори Таъсисчининг буйруги билан лавозимга тайинланади ва озод этилади.

7.4. Корхона Бош муҳандиси, директорнинг ўринбосарлари, бўлим бошликлари ва ўринбосарлари, туман бошқарма бошликлари Таъсисчи билан келишган холда лавозимга тайинланади ва озод этилади.

7.5. Директор йўқлиги вақтида, унинг мажбуриятларини Таъсисчининг буйруfiga асосан Бош муҳандис бажаради.

7.6. Бош муҳандис ва директор ўринбосарлари, директор томонидан тасдиқланган ўзларининг лавозим мажбуриятлари доирасида, Корхона номидан ҳаракат қиласидар, Ўзбекистон Республикасининг давлат органларида, барча корхона ва ташкилотларида унинг манбаатларини ифода этадилар. Корхона фаолияти билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича уларнинг ваколатлари доирасида ишончнома асосида турли хил шартномаларни тузишлари, шунингдек Корхона ишчиларига зарурий ишончномаларни беришлари мумкин.

VIII. КОРХОНА ДИРЕКТОРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Корхона директорининг ҳуқуқлари:

* Корхона номидан ишончномасиз, Корхонанинг расмий вакили сифатида, мамлакатимиз ва мамлакатимиз ҳудудидаги хорижнинг барча корхоналари, фирмалари ва ташкилотлари филиалларида Корхона фаолияти билан боғлик бўлган барча масалалар бўйича унинг манфаатларини ифодалайди;

* Корхона номидан ўз фаолияти доирасида турли хил битимлар, шартномалар, хўжалик шартномалари, ижара шартномалари, ташкилот ва корхоналар билан ҳамкорлик келишувлар ва контрактлар тузади;

* қонунчилик талаблари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Қарорлари, Фармойишлари; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарор, Фармойишлари; Ўзбекистон Республикаси вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги буйруқ ва қарорлари; Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси буйруқларини ижро этилишини ташкиллаштириш.

* фуқароларни ишга қабул килади, улар билан меҳнат шартномалари ва келишувлар тузади ва уларни ўзгартиради ва тўхтатади;

* Корхона ишчи ходимларига Устав доирасида харакатларни амалга ошириш учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради;

* кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш чора-тадбирларини кўради;

* Корхонанинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар чиқаради, кўрсатмалар беради;

* Корхонанинг ички тартиб-коидаси ва хўжалик фаолиятини тартибга соладиган хужжатларни тасдиқлайди;

* Корхона фаолияти тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқилиши учун Таъсисчига таклиф киритиш;

* Корхонанинг таъсис хужжатларига ўзгартириш ва қушимча киритиш бўйича Таъсисчига таклифлар бериш;

* хисоб ва бошқа хисобларни шу жумладан валюта ҳисобини очиш;

* мазкур Уставда назарда тутилган тартибда Корхонанинг пул маблағлари ва бошқа мол-мulkини бошқаради;

* тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларнинг таркиби ва ҳажмини, уларни ҳимоя қилиш тартибини белгилайди;

* ўзининг қисман ваколатларини Бош муҳандисга ва ўринbosарларига бериш;

* Корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа функцияларни амалга оширади.

8.2. Корхона директорининг мажбуриятлари:

* Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-хуқуқий хужжатларига риоя этишга ;

* меҳнат, ижро ва ишлаб чиқариш интизомини ривожлантириш ва мустахкамлашга;

* барча сарф-харажатлар турлари бўйича маблағларни тежамли ишлатилишини назорат қилиш, штат ва ҳуқуқий интизомга риоя этиш;

* маҳфий бўлган маълумотларни тарқатмаслик.

8.3. Директор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларни бажаришда корхона манфаатларини кўзлаб иш кўради.

8.4. Директор бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўлов ўз вақтида тўланиши, иш ҳақи тўланиши, меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар ва уларга тенглаштирилган тўловлар кондирилиши, бевосита ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлик эҳтиёжлар учун пул маблағлари ўтказилиши, ўзининг хатти-ҳаракатлари

(харакатсизлиги) билан корхонага етказилган заар, шу жумладан, корхонага берилган давлат мулки йўқотилган ҳолат учун ҳам қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.5. Директор, унинг ўринbosарлари, шунингдек Бош муҳандис Корхона олдида шахсан шу жумладан мулкий жихатдан, Корхона манфаатларига етказилган заар учун жавобгар.

IX. КОРХОНАНИНГ ТУЗИЛМАВИЙ ТАРКИБИ

9.1. Корхона таркибига юридик шахс ҳисобланмаган тузилмавий бўлинмалар киради:

- “Туман эксплуатацион бошқармалари” – Тошкент шахрининг маъмурий туманлари доирасида Корхона тасарруфида бўлган иссиқлик тармоқларига эксплуатацион-таъмир кўрсатишни амалга оширади, шунингдек Корхона иссиқлик тармоқларига уланган истеъмолчиларнинг иссиқлик истеъмоли тизими ишини назорат қиласи, улар билан тузилган шартнома бўйича иссиқлик тармоқлари ва ички иссиқлик таъминотига хизмат кўрсатади.

- “Иссиқлик тарқатилии бошқармаси (ИТБ) – истеъмолчиларга иссиқлик қувватини тақсимлаш, сотишини амалга ошириш ва шартномавий мажбуриятларни назорат қилиш.

- *Диспетчерлик таъминоти бошқармаси (ДТБ)* – иссиқлик тармоқларининг иссиқлик манбалар иши билан шунингдек маҳаллий қозонхоналар иши билан мувофиқ ҳолда оператив диспетчерлик бошқарувини туну кун амалга оширади.

- *Насослардан фойдаланиши бошқармаси (НФБ)* – насос станцияларининг иссиқлик механик жихозларини эксплуатациялаш ва таъмир хизматини кўрсатишни таъминалайди.

- *Транспорт ва механизмлар бошқармаси (ТвАМБ)* – Корхона бўлинмаларининг эҳтиёжларини юк ва енгил автомобил техникаси, сув чиқаргич воситалари, ер кавловчи ва юк кўттаргия техникаси хизматларида амалга оширади, турли ташкилотлар ҳамда ахоли билан тузилган шартномалар бўйича ўрнатилган тартибда транспорт хизматларини кўрсатади.

- *Иссиқлик манбалари бошқармаси (ИМБ)* – иссиқлик манбалари жихозлари ва мосламаларини ҳавфсиз, ишончли, тежамкор фойдаланилишини, иссиқлик манбаларининг янги турдаги ускуналарини ўзлаштириш, Корхонанинг иссиқлик манбаларини модернизациялаш ва зарурий кенгайтиришларни таъминлайди.

ИМБ Корхонага ИМ-2 “Қора-Су”, “Водник”, “Саноатэнерго” марказлашган иссиқлик таъминоти иссиқлик манбаларини ва шаҳар маъмурий туманларидан ташқарида фойдаланувчи маҳаллий қозонхоналар қозонхона участкаларини улади.

- *Моддий техник таъминоти бўлими (МТТБ)* – бўлинма томонидан биринчирилган номенклатурага қатъий мувофиқ ҳолда барча зарурий ускуна ва материаллар билан Бирлашмани ўз вактида, режали ва комплект таъминотини ташкиллаштиришни, материалларнинг ишлаб чиқариш захираларини оптимал ўлчамларига риоя килиш, уларнинг айланмасини тезлаштириш, истеъмол билан боғлиқ бўлган сарфларни қисқартириш, бойликларни етказиб бериш ва сакланишини таъминлайди,

- “TOSHISSIQQUVVATI” DUK бошқарув аппаратининг бўлим ва хизматлари – Корхона вазифаларининг бажарилишини таъминлайди.

9.2. Корхона бўлинмалар таркибиша ўзгартириш киритишга ҳақли ва тугатиш тўғрисидаги масалани мустақил ҳал қиласи ёки мазкур бўлимда кўрсатилган ўзининг бўлинмаларини қайтадан тузади.

9.3. Бўлинмалар – юридик шахс эмас, Корхона директори томонидан тасдиқланган Низомга асосан ҳаракат қиласи.

X. КОРХОНА УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ТАРТИБИ

10.1. Корхона Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, Таъсисчининг қарорига асосан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

XI. ҲИСОБГА ОЛИШ ВА ҲИСОБОТ

11.1. Корхона бухгалтерлик, тезкор ва статистик ҳисобга олишни юритади. Ўрнатилган тартибда тасдиқланган шакллар бўйича барча хўжалик ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият бўйича ҳисоботни белгиланган муддатларда тегишли органларга ўрнатилган тартибда тузиб тақдим этади ва унинг ҳаққонийлиги учун жавобгардир.

11.2. Корхона фаолияти тўғрисидаги ҳисобот Таъсисчига ёки бошқа ваколатли давлат органларига тақдим этилади. Хўжалик юритувчи субъект сифатида корхона фаолиятини назорат қилиш қонун хужжатларида белгиланган тартибда муассис ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

11.3. Корхона фаолиятининг текшируви, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига белгиланган тартибда амалга оширилади.

11.4. Корхона, ўз фаолиятини текшириш учун мустақил аудиторларни жалб қилишга шунингдек ички аудитор хизматини ташкил этишга ҳақли.

11.5. Корхона фаолиятнинг якуний натижалари учун тўлиқ иқтисодий жавобгарликни олиб боради, жорий сарфларни ишлаб топилган маблағлар ҳисобига қоплади, меҳнатга хақ тўлайди, ишлаб чиқаришни қайта қуриш ва кенгайтириш билан боғлиқ бўлган капитал маблағлар қиласида шунингдек меҳнат жамоасини ижтимоий ривожланишига сарфларни амалга оширади.

XII. КОРХОНА ФИЛИАЛЛАРИ

12.1. Корхона Таъсисчи билан келишган ҳолда, қонун хужжатлари талабларига риоя қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси худудида филиаллар ташкил этиши мумкин.

12.2. Корхонанинг филиаллари корхона томонидан тасдиқланган низом асосида корхона номидан иш кўради.

XIII. КОРХОННИ ТУГАТИШ ВА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ

13.1. Корхона Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда Таъсисчининг қарори бўйича ёки суднинг қарори бўйича тугатилиши ёки қайта ташкил этилиши мумкин.

13.2. Корхонанинг тугатилиши хукуқ ва мажбуриятлар хукуқий ворислик тартибida бошқа шахсларга ўтмасдан корхона фаолияти тўхтатилишига олиб келади, қайта ташкил этишда хукуқ ва мажбуриятлар хукуқий ворисга ўтади.

“TOSHISSIQQUVVATI” ДУК директори


Б.И.Ш.Курбанбеков